

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Абдурахмонов	
Яшил рангинг миллий шеъриятда ўзига хос ифодаси (испан ва ўзбек лирикаси мисолида)	79
О.Абобакирова	
Ўзбек болалар ҳикоячилигининг бадий хусусиятлари.....	83
Д.Турдалиев	
Рус фольклоршунослигида анъанавий лингвистик формулалар.....	92
И.Ҳабибуллаев	
Хуршид Дўстмуҳаммад қиссаларида руҳий-психологик тасвир (“Нигоҳ” қиссаси асосида).....	98

ТИЛШУНОСЛИК

А.Муҳиддинов	
Нутқ актини биомолекуляр ва ментал кодлаштириш жараёнларининг изоморфлиги ва алломорфлиги	103
Р.Сайфуллаева, Ҳ.Ҳамроева	
Ўзбек рақс терминларининг лингвокультурологик таснифи.....	108
З.Акбарова	
Турли функционал услублардаги матнларда тил воситаларидан фойдаланган ҳолда оламни моделлаштириш.....	113
Н.Шарафутдинова	
Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” асарида қўлланилган мифоним ва теонимлар таҳлили.....	118
Ў.Исламов	
Адабий тил - нутқ маданиятининг олий шакли.....	122
Л.Абдуллаева	
Аббревиация-ўзбек ва инглиз тилларида сўз ясаш усули сифатида.....	126

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

С.Абдурахмонов, Ш.Ибрагимов	
Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг ташкилий усуллари.....	129
У.Абдуллаева	
Чет тили бўйича кўникмаларни баҳолашда ёш хусусиятларига кўра ёндашув принциплари.....	134

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Ў.Омонова	
Алмаштириш операторларини қуришнинг композицион усули ҳақида.....	139
А.Раҳматжонзода	
Баъзи умумлашган гипергеометрик функцияларнинг интеграл кўринишини топиш масалалари.....	143
Б.Каримов, Р.Эргашев, А.Сирождинов	
Sn асосида шаффоф ўтказувчи электродлар.....	147
А.Урунов, С.Элмонов	
Тишли-ричагли механизмлардан тузилган комбинацион механизмнинг параметрларини асослаш ва кинематик текшириш	150
Д.Аббосова, А.Ибрагимов, О.Назаров	
Ephedra equisetina bunge ўсимлиги баргларида олинган эфир мойи таркибий қисмларининг ГХ-МС таҳлили.....	154
М.Ахмадалиев, И.Асқаров, Н.Юсупова, М.Икромова	
ЗФАМЭД смоласининг олиниши.....	158
С.Маматқулова, Ш.Абдуллаев, Р.Деҳқонов	
Helianthus tuberosus L. (Топинамбур) ўсимлиги илдиз мевасидан турли муҳитларда пектин моддасини ажратиш олиш ва функционал гуруҳларини аниқлаш.....	161

УДК: 372.22+372.65

ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА КЎНИКМАЛАРНИ БАҲОЛАШДА ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИГА КЎРА ЁНДАШУВ ПРИНЦИПЛАРИ

ПРИНЦИПЫ ПОДХОДА К ОЦЕНКЕ НАВЫКОВ ПО ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ С УЧЕТОМ ВОЗРАСТНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ

APPROACHES AND PRINCIPLES OF ASSESSING YOUNG LEARNERS' SKILLS ACQUIRED IN A FOREIGN LANGUAGE

У.Абдуллаева ¹¹ У.Абдуллаева

– Тошкент давлат аграр университети тиллар кафедраси, инглиз тили катта ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг чет тили бўйича эгаллаган кўникмаларини ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш ёндашуви принциплари батафсил баён қилинди ҳамда кўникмаларни баҳолаш мезонлари тавсия қилинди. Кўникма ва малакаларни баҳолаш масалаларини ўрганган методист олимларнинг ишлари кенг таҳлил қилинди.

Аннотация

В статье рассматриваются подходы и принципы оценки приобретенных навыков по иностранному языку с учетом возрастных особенностей младших школьников, рекомендованы критерии оценки приобретенных навыков. В статье также представлен анализ работ по методике обучения иностранным языкам дошкольников, младших школьников и подростков многих ученых-методистов.

Annotation

The article provides an overview of the approaches and principles of assessing young learners' skills acquired in a foreign language, offer measurements of assessment and some practical suggestions. The article also explored the research works of methodologists on assessing skills acquired in a foreign language by young learners.

Таянч сўз ва иборалар: баҳолаш, бошланғич синф ўқувчиларининг чет тили бўйича эгаллаган кўникмалари, ёш хусусиятлари.

Ключевые слова и выражения: оценка, навыки освоения иностранного языка младшими школьниками, возрастные особенности.

Keywords and expressions: assessment, skills acquired in a foreign language by young learners', characteristics of age groups.

Инглиз тилининг дунё тилига айланиши унинг Ўзбекистонда ҳам кенг қўлланилишига сабаб бўлди ва чет тили ўқитишни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам катта аҳамият касб этди. Бу эса, ўз навбатида, чет тили ўқитиш ва ўрганиш жараёнларида ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Хорижий тилларни ўргатиш назариясида юз бераётган жаҳон янгиликларидан унумли фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Ўзбекистон лингводидактикасида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, 2013/2014 йиллардан бошлаб, чет тилларнинг бошланғич синфлардан бошлаб ўргатилиши йўлга қўйилди. Ўқув жараёнининг

самарадорлигини оширишга доир қатор ўқув қўлланмалар чоп этила бошланди. Муаммо шундаки, бошланғич синф чет тили ўқитувчилари етарли даражада ўқув-услубий кўрсатмалар билан таъминланган эмас. Тўғри, ушбу таълим масканлари учун ўқув-қўлланмалар мавжуд, лекин экспериментал тарзда уларни апробациядан ўтказиш керак бўлади. Модомики, янги талаб-эҳтиёжга биноан тил ўргатиш, ўрганиш зарурияти пайдо бўлган экан, унинг оқибати ўлароқ тил таълимшунослиги (лингводидактика) нинг назарий ва амалий масалалари тадқиқ этилиши зарур. Мақолада ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, тил кўникмаларини шакллантириш ва баҳолашни олиб бориш ҳақида фикр-мулоҳазалар юритмоқчимиз.

Баҳолаш чет тилини эгаллашнинг интеграл қисми ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, якуний босқич бўлишидан ташқари, ўқувчининг бажарган иши бўйича берилган хулоса (кўпинча бошқа шахс томонидан) бўлиб, бутун ўқув жараёнини қамраб олади. Яхши ўзлаштирадиган ўқувчи зарур вақтда нимани қандай бажаришни билмаганини тушунтириб бера олади, шу билан бирга баҳолашдан унинг чет тилини муваффақиятли эгаллаши учун зарурий ҳамда яна келажақда нимани ўрганиши кераклигини аниқлайдиган восита сифатида фойдалана олади.

Сўнги йигирма йил давомида кўплаб мамлакатларда бошланғич синфдан бошлаб чет тили ўргатиш сезиларли даражада ошган. Ушбу тенденция чет тили ўқитишнинг структуравий ёндашувидан коммуникативлик ёндашувига ўтишида сезиларли силжиш кузатилаётган бир пайтда юзага келди.

Замонавий чет тили ўргатиш ёндашувлари аффектив жиҳатлар ўта муҳим вазифаларни бажаришини таъкидлайди; улар ўқувчиларга ҳаяжонни ва безовталиқни камайтирадиган муҳитда тилни ўрганишга ёрдам берадиган, самарали методлар ва технологияларни танлаш ва қўллашни таъминлайди, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини тўғри талқин қилишга ёрдам берадиган ўқитиш методларини танлаш ва таълим жараёнини ташкил қилишга оид тавсиялар беради.

Мақолада ўрта умумтаълим мактаб ўқувчиларининг инглиз тилини эгаллаганлигини баҳолаш масалалари қисқача муҳокама қилинган. Тадқиқотимизда ёш ўқувчиларнинг эгаллаган тил кўникмаларини нима учун баҳолаш мураккаблиги ёритилди ва баҳолаш бўйича бир қатор амалий кўрсатмалар берилди.

Биз шартли равишда ўқувчиларни тўртта ёш гуруҳга ажратдик. Ушбу тўрт хил ёш гуруҳларининг ривожланиш хусусиятларини ва бу хусусиятларнинг таълим жараёнини бошқаришдаги таъсирини ўргандик. Ёш ўқувчиларни баҳолаш моҳияти қуйидагиларда ифодаланиши аниқланди.

Барчамизга маълумки, боғча ёшидаги болалар ва бошланғич синф ўқувчиларининг хулқ-атвори етти ва ўн бир ёшгача бўлган болаларга хос эмас. Бу ёш гуруҳларининг эҳтиёжлари ва ривожланиши фарқ қилади ва бу фарқларни чет тили ўқитувчилари

дарсларни режалаштиришда ва ташкил қилишда эътиборга олишлари шарт.

Ёш гуруҳининг биринчи босқичига боғча ёшидаги ва иккинчи синф ёшигача бўлган болалар киритилди. Болалар бу ёш оралиғида мослашувчан ва ўқитувчилари берган топшириқларни чин юракдан бажаришни хоҳлайдиган бўлади. Бироқ уларнинг диққати қисқа муддатли бўлганлиги сабабли қоидаларни ёддан чиқаради ва амал қилишлари қийин бўлади. Шу туфайли қоидалар ва жараёнлар диққат билан ва аниқ ўргатилиши, унга амал қилиниши, машқ қилиниши, назорат қилиниши ва мустаҳкамланиши зарур.

Ёш гуруҳининг иккинчи босқичига учинчи синфдан олтинчи синф ёшидаги болалар киритилди. Мактаб ўқувчилари бу ёш оралиғида бироз мустақил фикрлайдиган бўлади, аммо улар бу ёшда ҳам ўқитувчиларининг эътибори ва меҳрига эҳтиёж сезадилар. Улар қоидаларни тушунадилар ва қабул қиладилар. Ўқувчиларни қоидалар тузишга жалб қилиш ва ушбу жараёнда иштирок этиш уларга завқ бағишлайди. Қоидалар мунтазам ва холисона назорат қилиниши керак.

Ёш гуруҳининг учинчи босқичига еттинчи синфдан тўққизинчи синф ёшидаги болалар киритилди. Бу босқичда ўқувчилар ижтимоий, жисмоний, руҳий каби турли ҳиссиётларни бошдан кечиришади, шу сабабли улар бу ёшда инжиқ ва ҳаттоки исёнкор бўлишлари мумкин. Айнан шу ёшдаги ўқувчиларга синфда мустаҳкам ва барқарор муҳитнинг бўлиши ўта муҳим ҳисобланади. Қоидалар аниқ кўрсатилиши, бошқарилиши ва бажарилишини таъминлаш зарур.

Ёш гуруҳининг тўртинчи босқичига ўнинчи ва ўн биринчи синф ёшидаги болалар киритилди. Бу ёш оралиғида болалар катта ёшдаги одамлар билан эркин мулоқот қила оладиган бўлади. Уларнинг хулқ-атвори олдинги босқичдагига нисбатан барқарорлашади ва қоидаларни осон тушунадиган ва амал қиладиган бўладилар. Ушбу босқичда ўқувчиларда ўқитувчининг тажрибаси ва мулоқот қила олиш малакасига нисбатан ҳурмат ҳисси шаклланади. Кўрсатмалар синфни самарали бошқаришда катта аҳамият касб этмайди.

Таълим соҳасидаги адабиётларда ассисмент (чет тили ўрганувчиларининг фаолияти), баҳолаш (масалан, мактаб

ташкилий соҳасидаги инновация ёки ўқув дастурининг ўзгариши) ва маъқуллаш (ўқитувчи фаолияти) тушунчаларини фарқлаб беришган. Ушбу мақолада фақат ўқувчиларнинг тил ўрганишларига билдириладиган фикрлар (feedback), ассисмент ва баҳолаш терминлари бир-бирининг ўрнига қайта ишлатилган.

Қуйида тавсия этилган баҳолаш турлари балл ёки рақамлар каби энг кўп тарқалган баҳолаш турларига қараганда тил ўрганишга ижобий таъсир кўрсатиши билан фарқланади:

- ҳарфлар: “А”, “В”, “С”, ёки “Good”, “Excellent” каби сўз ёки ибораларни қўллаш. Бу бироз норасмий услуб бўлса ҳам, ўқувчилар буни аниқ балл ёки рақам сифатида қабул қилади;

- соҳаларга ажратиб баҳолаш: алоҳида кўникмаларни ва тилга оид билимларни ажратиб баҳолаш. Баҳолашнинг ушбу тури ҳар бир ўқувчи фаолиятининг турли қирраларини кўрсатиб, кучли ва заиф томонларини батафсилроқ тавсифлаш имконини беради.

Бошланғич синф ўқувчилари эътиборини жалб қиладиган жиҳатларнинг аксарияти улар томонидан “алоҳида ўзига хос” сифатида қабул қилинади ва чет тили бўйича баҳоланишлари ҳам бундан мустасно эмас. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг эҳтиёжи катта ёшдаги ўқувчиларникидан фарқ қилади, яъни баҳолаш расмий тестлар тарзида ўтказилганда уларда ҳаяжонланиш кузатилади. Дўстона ва хотиржам муҳитда эса улар яхшироқ натижага эришадилар.

Чет тили бўйича эгаллаган кўникмаларга кирмайдиган фаолиятнинг ҳам баҳоланишини кутиш кичик ёшдаги ўқувчиларга хос ҳисобланади. Қуйида эътироф этилган ёш ўрганувчиларга хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда баҳолаш ўқитувчиларга дарсларни режалаштириш ва ўқувчилар мотивациясини оширишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

1. Кичик ёшдаги болаларнинг стресс (синфда пайдо бўладиган хавотир ёки ҳаяжон) га нисбатан реакцияси катталарникидан бутунлай фарқ қилади.

Катталар стресс оқибатида пайдо бўладиган адреналинни онг орқали бошқариш ва самаралироқ фаолиятга йўналтира олиш қобилиятига эга бўлади.

Болаларда эса ундай эмас. Хавотирланиш таҳдид оқибатида юзага келади, организм “жанг ёки парвоз” реакциясига сабаб бўладиган кимёвий моддалар ишлаб чиқара бошлайди. Бундай вазиятларда танада бир қатор жисмоний ва руҳий белгилар, шу жумаладан, қон босимининг кўтарилиши ва тез-тез нафас олиш кузатилади. Ҳаддан ташқари стресс остида хотира ва диққат зарарланади. Болалар стресс ва хавотирланиш туфайли келиб чиқадиган кучли ҳис-туйғуларни бошқариш ёки унга қарши туриш учун психологик жиҳатдан тўлиқ ривожланган бўлмайди. Шу сабабли болаларнинг бардош бериш даражаси анча пастроқ бўлади ва эгаллаган кўникмаларини тез унутиб қўяди, аммо берилган топшириққа катталарга нисбатан тезроқ диққат қарата олади. Оқибатда, синфдаги ҳаяжон ва хавотир ўқувчилар баҳосига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин [4]. Аксинча, синфда ўқувчилар ўзларини хотиржам ҳис қилсалар, бош мия ижобий гормонлар ишлаб чиқара бошлайди, бу эса болаларнинг диққатини жамлашга ва топшириқларни осонроқ бажаришларига имкон беради.

“Болалар ҳали ўзини-ўзи англайдиган ёки руҳий жиҳатдан стресс ва хавотир туфайли келиб чиқадиган кучли ҳис-туйғуларни бошқариш ёки қарши туриш учун етарлича ривожланган бўлмайди” [3].

Ўқитувчи баҳолаш фаолиятини режалаштираётганда синфда хотиржам ва қувноқ муҳитни шундай яратиши керакки, ўқувчилар баҳоланаётганини ҳис қилмаслиги керак. Масалан, ёш тингловчиларнинг дарслик бўйича лексика ёки грамматикани ўзлаштирганини текширишда, мазмунни ўзлаштиришни машқ қилдирувчи ўйинлардан фойдаланиш тавсия этилади, бундай ўйинлар ҳар бир ўқувчининг кўникмаларни эгаллаганлик даражасини ўтириб бажариладиган топшириқлардан кўра аниқроқ кўрсатиб беради.

Агар ўқитувчилардан формал ёки жиддий баҳолаш ўтказиш талаб этилса, топшириқлар ёки тестларнинг яхши бажарилиши муҳимлигини таъкидламасликлари керак. Дарсинг бошланғич босқичида бериладиган қувноқ “warm-up” машқи ўқувчиларда ижобий кайфият уйғотади ва формал имтиҳон муҳитини хотиржам ва хавотирсиз муҳитга ўзгартиради. Шу билан бирга ўқувчилар

фаолиятини мукофот стикерлари билан ҳам рағбатлантириш мумкин.

2. Болаларнинг вақт ва воқеалар кетма-кетлиги ҳақидаги тушунчалари катталарникидан фарқ қилади.

Бола ривожланишини тадқиқ қилиш соҳасининг кўрсатишича, болалар тўққиз ёки ўн ёшида ўтмиш деган тушунчани англай бошлайди ва бўлиб ўтган воқеалар кетма-кетлигини ҳозирги замон билан боғлай олиш қобилиятини ривожлантира бошлайди. [8, 1100–1120]. Бу ёшгача бола замонларни адаштириб тасвирлайди, бирор бир воқеанинг қачон содир бўлганини тушунтиришга қийналади.

Тўққиз ёшдан ўн ёшгача бўлган болалар замонларга оид саволларга жавоб топишга қийналадилар. Бундай хатолар учраса — бу, ўтган замон ёки ўтган замон давом феълининг лингвистик шаклини тушуна олмаганлиги сабабли юз берди, деган фикрга бормаслик керак. Улар ҳозирги ва ўтган замонни таққослаганда ўтган замон нимани англатишини тушунмасликлари мумкин. Бундай вазиятларда ўқитувчиларга воқеалар кетма-кетлигини ифодалайдиган турли замонларга оид ҳаракатли машқлар ва ўйинларни ташкил этиш тавсия қилинади.

Болаларда ижобий таассурот уйғотиш керак.

Кичик ёшдаги болалар бажарган ишлари учун катталардан ва тенгдошларидан мақтов эшитиш ва қўллаб-қувватланишни хоҳлайдилар. Бола ривожланиши соҳаси тадқиқотчилари боланинг яхши хулқ-атвори кўпроқ катталар томонидан табассум қилиш билан ва мақтов айтиш орқали рағбатлантирилишини таъкидлайдилар. Ушбу фикрни баҳолаш фаолиятига киритиш, кичик ёшдаги тингловчилар мотивациясини оширади ва берилган топшириқларни яхшироқ бажаришларига хизмат қилади.

3. Болалар нима учун бажараётганларини билишлари керак.

Бошланғич синфда (5-12 ёш) болалар доимий равишда атрофидаги дунёни ва ўзларининг ўрнини тушунишга интилишади. Бу ёшда “нега?”, “нима учун?” деган саволларни кўп беришади.

Ўқитувчилар баҳолаш учун берилган топшириқлар ёки ўйинларнинг аниқ ва содда кўрсатмалар билан тушунтирилишига эътибор қаратишлари зарур. Буни ўқувчиларнинг она тилида, расмлар, кўғирчоқдан фойдаланиб ёки

синфдошларига тушунтиришни хоҳлаётган ўқувчилар орқали амалга ошириш мумкин.

5. Болалар чет тилини ўрганиш баробарида ўз она тилини ҳам ўрганишда давом этади.

Болалар ўн ёшгача чет тилини ўрганиш баробарида ўз она тилини ҳам ўрганишда давом этадилар. Ўн ёшдан кейин бу жараён камроқ кузатилади, аммо она тилида ҳали-ҳануз тўлиқ ўзлаштирилмаган сўзлар ва тушунчалар учрайди. Ушбу ўтиш даврида боланинг мияси тил ўрганишга тайёр ҳисобланади. Бу ёшда чет тилини ўрганишни бошлаш яхши натижа беради, чунки бу даврда бола чет тилини она тили даражасида ўзлаштира олади. Аммо ёши улғайиб борган сари бу қобилият сустлашади.

Боланинг ривожланиши соҳасига оид тадқиқотлар, бола ўн ёшга тўлганида сўзларни ғоялар билан бириктиришида ўзгаришлар содир бўлишини кўрсатди [7]. Бу, унинг атрофидаги дунёдан ўзлаштириб олган сўз маъносини чет тилида қўллашга бўлган муносабатининг ўзгаришида намоён бўлади. Тахминан ўн ёшлар атрофида мавҳум тушунчаларни англай бошлайди. Уларнинг дунёни тушуниши ва қарашлари янада мураккаблашади ва бу, уларнинг она тили ёки чет тили бўлишидан қатъий назар, тилни тушунишлари ва фойдаланишларига таъсир қилади.

Баҳолаш учун берилган тест саволларида ёки машқларда болалар ҳали ўз она тилларида нимани ўрганмаганлигини ва қайси тушунчаларни билмасликларини ҳисобга олишлари керак.

6. Болалар оғзаки баён қилаётганларидан ҳам кўпроқ маълумотга эга бўлишлари мумкин.

Болалар туғилганидан бошлаб, 5-6 ёшгача фақат тинглаб тушуниш ва гапириш билан шуғулланадилар. Шу сабабли, уларда бу ёшда тинглаб тушуниш қобилияти яхши ривожланган бўлади. Гапириш мураккаб психофизиологик жараён бўлиб, нутқ органларини ҳаракатга келтирувчи мияда анализ-синтез қила олиши замирида биринчи ва иккинчи сигнал системаларнинг фаолиятига таянади.

Худди шундай жараён ўқиш ва ёзишни ўрганишда ҳам содир бўлади. Бола дастлаб қалам ушлашни ва сўз ясашни ўрганади. Бола чет тилида сўз ёки гап ёза олмаса, бу билмайди ёки маъносини тушунмади дегани эмас.

7. *Болаларнинг диққати осон бўлини ва улар тез чалғийдилар.*

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бошланғич синф ёшидаги болалар атрофидаги дунёни англаш ва унга мослашиш қобилиятини ривожлантираётган бўлади. Бола қанчалик ёш бўлса, ташқи стимулларга реакция қилиши шунча қийин бўлади. Бу уларнинг дарсларда катталарга қараганда анча осон, тез чалғиши ва зерикашини англатади.

Ўқитувчилар баҳолаш топшириқларини имкон қадар қисқа беришлари ва тез-тез ўзгартириб туришлари керак. Бу ўқитувчи ва болалар ўртасидаги интерактив машқлар тарзида ёки индивидуал қалам билан бажариладиган машқлар кўринишида ҳам

бўлиши мумкин. Расмий баҳолаш топшириқлари 30 дақиқадан ошмаслиги керак. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг тил бўйича эгаллаган билимларини эмас, балки жим ўтириш ва диққатни жамлаш қобилиятини баҳолашга эътиборни қаратишлари зарур.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда баҳолаш ташкил этилса, бошланғич синф ўқувчиларининг фақат чет тили бўйича эгаллаган кўникмалари текширилиши кафолатланади. Энг муҳими, баҳолашда ушбу омиллар ҳисобга олинганда, боланинг машғулотларда руҳан хотиржам ва қувноқ кайфиятда иштирок этиши таъминланади.

Адабиётлар:

1. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 2012 й.
2. Jalolov J.J., Makhkamova G.T., Ashurov Sh.S.. English language teaching methodology. (Theory and practice) Coursebook for students of specialized departments of the universities and institutes. Fan va texnologiya, –Т., 2015.
3. Bailey, B. *Conscious Discipline – Brain Smart Classroom Management*. Loving Guidance. 2001.
4. Black, S. Test anxiety. *American School Board Journal*, 3. 2005.
5. Cameron, L. *Teaching Languages to Young Learners*. Cambridge: Cambridge University Press. 2001.
6. Good, T. L., & Brophy, J. E. *Looking in classrooms* (10th ed.). Boston: Allyn & Bacon. This well-known and widely used text includes a chapter specifically devoted to effective responses to disruptive behavior. 2008.
7. Miller, G. & Johnson-Laird, P. *Language and Perception*. Cambridge: Cambridge University Press. 1976
8. Orbach, Y. & Lamb, M. E. Young children's references to temporal attributes of allegedly experienced events in the course of forensic interviews. *Child Development*, 78, 1100–1120. 2007.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева — педагогика фанлари доктори, профессор).